

## Ношукр бандалар ҳамон залолатда



21:00 / 19.02.2019 4662

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿حَسْبُكَ وَهُوَ خَاسِمًا الْبَصَرُ إِلَيْكَ يَنْقَلِبُ كَرْنَيْنِ الْبَصَرِ رَجْعًا ثُمَّ﴾

**«Сўнг такрор-такрор назар сол, назар истаганини топа олмай, сенга ҳориб-чарчаган ҳолда қайтадир» (4-оят).**

Яъни «Қанча тикилиб қарасанг ҳам, бепоён осмоннинг тузилишидан заррача айб топа олмайсан. Айб топармиканман, деб қилган умидинг пучга чиқади. Назаринг ҳориб-чарчаб, ҳеч камчилик топа олмай, ўзингга қайтади».

Бу қуръоний тушунча бекаму кўст экани бугун қайта-қайта исботланмоқда. Электрон телескоплар ёрдамида нарсаларни 900 минг марта катталаштириб ва миллионлаб метр яқинлаштириб кузатаётган олимлар

Аллоҳ таолонинг яратувчилик қудрати олдида тиз чўкиб, бош эгдилар.  
Кўплари иймонга келдилар ва келишмоқда. Ношукр бандалар эса ҳамон  
залолатда.